

ISHONCH



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

АЙТГИЛ, ДЎСТИМ, НИМА ҚИЛДИК ВАТАН УЧУН?

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?



Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гуштхўрларга эм бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?
Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино кўйма заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин дехқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?



Саҳифаларда:

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР **2**

ХАТЛАР — ҲАЁТ
ОЙНАСИ **3**

ҲУҚУҚИЙ САБОҚЛАР **5**

СОЯСИ ЙЎҚ ЧИНОРИМ **6**

ТАБИАТ
ШИФОХОНАСИ **14**

ТЕАТР — ҲАЁТ
САҲНАСИ **16**

Озод юртимизда фақат
яхшилар кўнайиб, яхшиликлар
юз кўрсатаверса, деб ниёт
қилдик.

2 БЕТ

TV ДАСТУРИ * СКАНВОРД

Қарши-Термиз минтақавий темир йўл тармоғи ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси Абдумурод Бозорова хонасида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, иктисодиётимизнинг қон томири — темир йўл транспортини ривожлантириш соҳасидаги амалий қадамлар тўғрисида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Гап айланиб, Қарши шахрининг 2700 йиллигига тайёргарлик, кўҳна шахарнинг ўтмишига тақалди.

— Беш ярим мингдан ортиқ киши ишлайдиган ва икки вилоят ҳудудини қамраб олган темир йўлимиз, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Абдумурод Бозоров, — Қарши шаҳри тарихининг ажралмас қисмидир. Зеро, жанубий сарҳадларда темир йўл қуриш тўғрисида Россия ва Бухоро ўртасидаги аҳднома айнан Қарши шаҳрида имзоланган. Когон-Қарши-Термиз-Китоб темир йўл қурилиши тарихини, Ўзбекистон жанубида ушбу соҳани ривожлантириш босқичларини Қарши Давлат университетини доценти Эшқобил Абдурахмонов ва фахрий темир йўлчи Абдулла Тўйчиевлар ўрганиб, китоб холига келтирдилар. Мазкур янги асар “Жанубий сарҳадларда” деб аталади.

Китобни varaқлар экансиз, унда темир йўл қурилиши билан боғлиқ барча жараёнлар, “пўлат оз”ларни бунёд этиш учун оддий халқ тортган машаққатлар кўз олдингизга келади. Чор Россияси Туркистон ўлкасини забт этгач, бу ҳудуддан табиий бойликларни, хусусан, рус тўқимачилик саноати учун жуда зарур бўлган хомашё — пахта, ўлкада етиштирилаётган сархил мева ва бошқа маҳсулотларни ташиб кетиш учун темир йўл қуришни режалаштирди. Қолаверса, бу тармоқ стратегик, ҳарбий мақсадлар учун ҳам жуда зарур эди. Бунинг учун чоризм ҳали тўла тасарруфига ўтмаган Бухоро амирлиги билан музокара бошлаб, ўша пайтдаги амир Абдулаҳадхоннинг розилиги-

ни албатта олишга умид қилди. “Абдулаҳад замонида, — деб ёзади Абдурауф Фитрат “Амир Амирхоннинг ҳукмронлик даври” номли тарихий публицистик асарида, — Россиянинг Бухорога таъсири ва роли анча мустаҳкам бўлган эди. Абдулаҳад қайси ишни ривожлантирмасин, ўзининг ҳимоячиси бўлган Россиянинг нуфузи ва ролини инobatга олишга мажбур эди”. Рус мутахассисла-

рава, от, туя, хачир етказиб бериш мажбуриятини олди. Россия томони эса темир йўл қурилиш мутахассислари билан бирга рельс, шпал, паравоз, вагон билан таъминлайдиган бўлди.

Аммо Қарши аҳдномасини турли сабабларга кўра тезда амалга оширишнинг имкони бўлмади. Яъни, 1914 йил 16 июлда Амир Сайд Олимхон тахтга чиққандан сўнг темир йўл қурилишига киришилди. Бухоро амирлиги минглаб одамлар билан бирга мингта от, туя берди. Маҳаллий аҳоли ер қазिश, тупрок-шағал ташиш, бетон ётқизиш каби қора ишларга жалб этилди. Темир йўл тармоғи фахрийлар кенгаши раиси Ҳасан

Қарши шахрининг 2700 йиллигига

мўлжалланган 9 та турар-жой биноси қурилди.

Қурилиш ниҳоясига етиш арафасида Россия йўловчиларга мўлжалланган 34 та икки ва тўрт ўқли паравоз ва юк ташийдиган вагонларни етказиб берди. 1915 йил 26 март Қарши шаҳри тарихига қурилиши тугалланиб, биринчи поезд кириб келган кун сифатида ёзиб қўйилди. Термизга эса биринчи юк поезди 1916 йилнинг 9 февралда, 10 феврал куни эса йўловчиларни ташувчи поезд келди.

Шундан буён ўтган тўқсон йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистонимиз жанубий сарҳадларидаги темир

тақавий темир йўл тармоғи ҳудудий кўмитаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. У ўз сафига 19 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини бирлаштириб, шулардан 4 тасида раислар асосий ишдан озод этилган.

Темир йўлчиларнинг иш шароитини яхшилаш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, фарзандларининг ёзги дам олишини намунали ташкил этиш кўмита фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. 2005 йилда даволаш-соғломлаштириш масканларида 223 киши дам олиб қайтишди. Икки вилоятдаги 385 нафар бола Қашқадарё ва Сурхондарёдаги сўлим оромгоҳларда ёзги таътилларини ўтказдилар.

Қарши шаҳри ва Термизда темир йўлчилар маданият саройлари, соғломлаштириш мажмуаси ишламоқда. Қаршида 150 ўринли замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган касалхона, Термизда поликлиника ходимларга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, янги 40 ўринли шифохона қуриляпти. 2006 йилда ҳам темир йўл тармоғи маъмурияти билан тузилган шартнома асосида юқоридаги масалалар бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

— Ўзбекистонимиз истиқболга эришгач, темир йўл транспортини ривожлантиришда ҳам янги истиқболлар очилди, — сўзини давом эттириб Абдумурод Бозоров. — Ҳозир қуриляётган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли ишга тушгач, фаолиятимиз доираси янада кенгайди, темир йўлчилар сафи кўпаяди.

Мўмин АЗИЗОВ

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

ри бир неча йил давомида ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида темир йўл қуриш билан боғлиқ қидирув ва изланиш ишларини олиб бордилар. Бўлажақ йўлнинг харитаси тузиб бўлингач, уни барпо этиш учун ҳар икки томон аҳднома имзолашга қарор қилишди.

1885 йил 22 июн куни ўша пайтда Бухоро амирлигининг йирик шаҳарларидан бири бўлган Қарши шаҳрига Россия ва Бухоро амирлиги ҳукумат вакиллари йиғилишиб, музокара олиб боришди. 1885 йил 25 июн куни Қарши аҳдномасини имзолаш маросими бўлди. Унга мувофиқ Бухоро амирлиги йўл қуришга маҳаллий аҳолидан ишчи кучларини жалб этиш, озиқ-овқат таъминоти, қурилиш материаллари ташиш учун ўша пайтда асосий эшак-

Эшмуродовнинг айтишича, унинг падали бузруквори Эшмурод Курбонов Когон-Қарши темир йўл қурилишида тенгқур ёшлар билан бирга ҳат куни ўн беш - ўн олти соат ишлаган. Вагонларда, палатка ва ер тўла-ларда яшашган. Озиқ-овқат таъминоти эса яхши бўлмаган. Иш ҳақини Россия томон белгилангани учун жуда оз миқдорда ҳақ тўланган. Россия ҳукумати биринчи жаҳон уруши бўлишига қарамай, қурилишни тезлаштириш чораларини кўрган. 1915 йилда бу муҳим иншоот қурилишида 15 мингдан ортиқ киши ишлаган.

Темир йўлнинг асосий техникавий базаси Қарши шаҳри бўлиши керак эди. Шу боисдан 1914 йилда Қаршида паравоз депоси, йўловчилар учун 107 квадрат метрли кутиш зали (вокзал), темир йўлчиларга

йўл тармоқлари тобора ривожланишда бўлди, бу соҳага фантехника ютуқлари жорий этилди. Бир неча юз минг тонналик халқ хўжалик юклари, юз минглаб йўловчилар манзилга етказиб берилди.

Касаба уюшма ячейкалари 1917 йилга келиб Ўрта Осиё темир йўлларининг кўпчилигида, хусусан, жанубий вилоятлардаги тармоқларда ҳам ўз фаолиятини бошлаган. Касаба уюшмалари темир йўлчиларнинг турмуш шароитлари яхшиланишини, иктисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эди. Шулар қаторида Қарши темир йўли касаба уюшмалари ҳам шу йиллар давомида улкан тарихий йўлни босиб ўтиб, ҳозир ўз сафларига 5 минг 534 нафар аъзои бирлаштириб, Қарши-Термиз мин-

Шундай бир ҳикоят бор.

Улкан бино қурилишига киришган учта устани саволга тўтишибди:

— Айни вақтда ҳаёлингиздан нималар кечаяпти?

— Ҳаёл суришга вақтим йўқ, — дебди биринчи уста. — Касбим шу, демак қурилиш ишларини амалга оширишим керак!

— Мен бола-чақа ташвишини ўйлаб шу ишга жазм этдим, — дейди иккинчи уста. — Яхши ҳақ тўлаймиз дейишди, қолаверса буёғи тирикчилик...

— Мен айни паллада жуда ҳаяжондаман, — дебди учинчи уста. — Чунки келгуси авлодлар учун мерос бўлиб қоладиган муҳташам бино қурилишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаяпман.

Миллатнинг шаънини ўйлаб ўз меҳнатидан гурурланаётган учинчи уста ҳақ, албатта. Ҳар биримиз кундалик хатти-ҳаракатимизнинг миллат келажаги учун қай даражада наф келтираётганини ўйлаб кўрмоғимиз лозим. Умуман, кейинги пайтда миллат манфаати хусусида кўп гапирилмоқда. Ҳўш, шу сўз замиридаги чуқур маъно-мазмунни барчамиз бирдек тушунамизми? Миллат манфаати не ўзи? Халқни севиб яшашми? Йўқ, шунинг ўзи ки-фоя қилмайди. Ҳаётимиз давомида миллат учун нимадир яратишимиз керак! Президентимиз ўз нутқларида бунга алоҳида ургу бериб: “Ҳар бир киши мен юртимга нима бераёпман, деб ўз-ўзидан сўраши керак” деган эди.

Муҳаммад Файзиев ҳам ана шундайлардан бири. Дастилаб менга у ҳақда гапириб беришганида “Ҳозирги кунда ортиқча маблағига дўкон ё мактаб қураётган одамлар кўп-ку” деб қўя қолгандим. Суҳбатдошим шартта сўзимни бўлди:

— Муҳаммад ака сиз айтаётган одамлардан эмас. Ортиқча маблағи ҳам йўқ. Аксинча, кўп болала хонадон бошлиғи, нафақа пулига яшаётган оддийгина муаллим, холос.

Шу гапдан сўнг муаллимни излаб йўлга тушдим. Самарқанд вилояти Жомбой туманида истиқомат қилаётган кекса муаллим билан дастлаб суҳбатимиз унчалик қовушмади.

— Э, мактаб қурганим йўқ. Тўрт-

бешта синфхона, холос...

Муаллим негадир ўнғайсизланди. Мен ҳамма гапни шу ернинг ўзида аста-секин билиб олдим.

Маълум бўлишича, муаллим яшаётган Мирзақанчли қишлоғида йигирма-ўттиз йилдирки, бошланғич мактаб йўқ экан. Шунча йиллар давомида қишлоқ болалари тўрт километр узокликда жойлашган 4-ўрта мактабнинг бошланғич синфларига қатнаганлар. Қишда лой, ёзда чанг... Бу эса бошланғич синф болалари учун анча-мунча қийинчилик тугдирарди. Муҳаммад Фозиловнинг ўзи

МИЛЛАТ МАНФААТИ

ёхуд мактаб қурган муаллим ҳақида сўз

ҳам қўшни қишлоқдаги 15-мактабга қатнаб, ўқитувчилик қиларди. У бошланғич синф болалари учун синфхоналар қуриб берилишини анчадан буён орзу қилар, лекин ўша йилларда бунинг ҳеч иложи топилавермаганди. Ниҳоят, юрт мустақилликка эришиб, кишиларимиз ўз орзу-истаклари йўлида эркин фаолият юрита бошладилар. Шу даврда Муҳаммад Фозилов қишлоқ болаларига бошланғич мактаб синфхоналари қуриш учун жой ажратилишини сўраб юқори идораларга хат йўллади. Ушбу илтимоснома юзасидан Мирзақанчли қишлоғига “текширувчилар” келишди. Шунда жамоа хўжалигидаги масъул кишилардан бири “Бўш ётган оғилхонадан бошқа жой йўқ!” деди. Демак, мактаб қуриш учун жой йўқ! “Текширувчилар” ана шу қарорни маъқуллаб кетишди. Улар кекса муаллимга “овора бўлманг, бу амалга ошмайди деган иш” дегандек мужмал гап ҳам қилишди. Муҳаммад Фозилов бундан жуда таъсирланди. Уйлаб-ўйлаб юқори-га иккинчи мактубни жўнатди. Жавоб бўлавермагач, учинчи маротаба илтимос-

нома юборди. Бу гап етиб келган “текширувчилар” муаллимни аяб ўтиришмади.

“Биз сизни гапга тушунадиган ўқитувчи десақ, фирт шикоятбоз-ёзувчи экансиз-ку!” дейишди. Бу гап муаллимга оғир ботди...

У 1993 йилда жамоа хўжалигининг йиллик ҳисобот йиғилишига талабнома ёзди. Йиғин сўнггида М.Фозиловнинг

бошланғич синф болаларига мактаб қуриш масаласига оид талабномаси

қуриш учун жой ажратилди. Кекса муаллим ўғилларини ёнига олиб, қурилиш ишларини бошлаб юборди. Ҳуқуқий

қурилиш ишларини бошлаб юборди. Ҳуқуқий парваришлаган теракларни аста-секин сота бошлади, тўпланган маблағини қурилишга сарфлади.

— Баъзан раис ҳам мендан ёғоч сўраб машина жўнаттар, шунда “Бу дарахтларни мактаб қуриш учун ўстирган-

ман” деб уларни қуруқ қайтарардим, — дея эслайди Муҳаммад Фозилов.


Хуллас, 2001 йил охирида бешта синфхонадан иборат бошланғич мактаб девори тикланди. Бино устини ёпиш, ичкариларини пардозлаш ишларига ҳам анчагина куч, бир дунё маблағ сарфланди. Синфхоналарни кўнгилдагидек жиҳозлаш, зарур буюмларини сотиб олишга эса яна икки йилча вақт кетди.

Мана, бир ярим йилдирки, қарийб эллик нафар ўғил-қиз олисига пиёда қатнаб эмас, балки уйларида шундоққина яқинидаги янги мактабда таҳсил олишяпти!

Муҳаммад Фозилов умр йўлдоши Саломат Фозилова билан аҳилликда турмуш кечириб, ўн фарзандни вояга етказишди. Бўстон, Бахтиёр, Олим, Малика, Ихтиёр — бешови ота изидан бориб, ўқитувчи бўлишди.

Мақола аввалида миллат манфаати хусусида бежизга сўз юритганим йўқ. Миллат келажаги учун қўлидан келганча куч сарфлаб, нимадир бунёд этган одам ўз-ўзидан миллати манфаатларини ҳимоя қилган билан барабар бўлади. Муҳими, у ана шу кичик хизмати билан нафақат оиласига, балки бошқаларга ҳам ўрнак кўрсатади. Озод юртимизда фақат яхшилар кўпайиб, яхшиликлар юз кўрсатаверса, деб ниёт қилдик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА



Хатлар — Ҳаёт ойнаси

Газета ва газетхон

Инфратузилма

Оҳангарон туманидаги "Олмалик" ёрдамчи хўжалик ҳудудида замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Юз миллион сўмлик маблағ ҳисобига бунёд этилган шифо масканининг ўндан ортиқ муолажа хоналарида умумий амалиёт шифокорлари, педиатр, акушер-гинеколог каби мутахассислар аҳолига беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, кундузги стационар хоналари ҳам ишлаб турибди.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ҳудуддаги барча қишлоқларда врачлик пун-

ктлари барпо этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланаяпти. Айни пайтда тумандаги яна бешта врачлик пункти тиббий ускуналар билан жиҳозланиши режалаштирилган.

Хайрли ишларни рўёбга чиқаришда давлат ташкилотлари қаторида яқка тартибдаги субъектлар, фермер ва тад-

биркорлар ҳам бош-қош бўлишмоқда. Саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Яқин икки йил оралиғида мавжуд қишлоқ врачлик пунктларининг барчаси замонавийлаштирилиб, қишлоқ аҳолисига қулайликлар яратилади.

Муқаддас АЛИЕВА,
Тошкент вилояти

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Яхши ишлаб, яхши яшайтганлар

Қўшма корхона — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Наманган туманидаги Қ. Солиев номли корпорация меҳнат аҳли қишлоқда саноат корхоналарини барпо этиб, маҳсулотнинг бир қисмини шу жойда ишлаб чиқаришга аҳамият қаратмоқда. Беш йил аввал Ўзбекистон — Франция қўшма корхонаси таъсис этилиб, пахта хомашёсини қайта ишлашга киришилганди. Ҳамкорлик асосида мутахассисларни ихтисослаштиришга ва вилоятда пахта навини яхшилашга эришилди.

Айни пайтда қўшма корхонада тайёрланаётган маҳсулот хорижий мамлакатларда муносиб баҳоланмоқда. Мухими, бу ерда меҳнат қилаётган 200 нафардан зиёд киши учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ойлик маошлари ўз вақтида берилмоқда. Ишлаб топилган маблағ ҳисобидан Ровистон, Қиёт, Тошбулоқ, Миришкор аҳоли яшаш пунктлари ободонлаштирилиб, кўчалар асфальтланди ва ичимлик сув, табиий газ билан таъминланди. Бундан ташқари, ташландиқ ҳолга келиб қолган болалар боғчаси қайта таъмирдан чиқарилди ҳамда замонавий жиҳозлар билан тўлдирилди. Айни пайтда бу ерда меҳнаткашларнинг 100 нафар фарзандлари тарбияланмоқда.

Жамоа шартномаси ва ўзаро келишувлар бўйича корпорация ишчиларидан 15 нафари ҳар мавсумда санаторий-профилакторийларда дам олдирилиб, соғлиқлари тикланмоқда. Шунингдек, ҳудудда истиқомат қилаётган кам таъминланган, қарамоғида ҳеч кими йўқ ва уруш қатнашчиларидан 20 нафари оталиққа олинган. Байрам ва тадбирлар улар иштирокисиз ўтмайди.

Меҳнат аҳлининг келгуси иш режалари бисёр. Агросаноат мажмуини ривожлантириб, даромадни кўпайтириш ва қишлоқ инфратузилмасини янада кенг шакллантириш шулар жумласидан. Бунинг учун барча имкониятлар етарли, муҳими ишчиларда иштиёқ баланд.

Комилжон СОЛИЕВ,
Наманган вилояти



Маҳалла гузарлари ёки тўй ва йиғинларда тўрт киши бирга ўтириб қолса, суҳбат мавзуси ёшлар тарбиясига бориб тақалиши одатга айланиб қолган. Биров бу жараёнда асосан ота-она масъул деса, бошқаси эътиборни мактабга, муаллимга йўналтиради.

Шахрисабз туманида 80 га яқин ўрта мактабда меҳнаткашларнинг фарзандлари таълим олишади. Бир неча йил аввал ана шу илм даргоҳларида меҳнат қилаётганларнинг 55-60 фоизи эркаклардан иборат эди. Дарс жараёни қизиқарли ўтарди, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларда кўнгилчанликка йўл кўйилмасди. Ўқувчи ҳам дарсларни пухта ўзлаштиришга, хулқ-атворини яхшилашга интиларди.

Бу билан аёл муаллималарни камситиш, фикридан йироқмиз. Аммо муаллима аввало у она. Шунинг учун истаимизми-йўқми, барибир унинг қалбида кўнгилчанлик туйғуси устунроқ бўлиши табиий ҳол. Шунингдек, эркак ўқитувчи ўқувчининг хулқи ёмон ва ўзлаштириши паст бўлса, ота-

онасини чақириб, вазиятни ўнглаш ва бу борада ҳамкорликни йўлга қўймагунча тиниб-тинчимайди.

Таълим соҳасидагилар учун шарт-шароитлар тобора яхшиланиб бораётганига қарамай, негацир кейинги пайтда мактабларда эркак ўқитувчилар сони камайиб бораётгани кишини ташвишга солмоқда.

Ўйлаб қоласан киши: республикамиз пойтахти ва вилоятлар марказларидаги олий ўқув юрталарини ҳар йили минглаб ёш мутахассислар

битириб чиқади. Аксарияти педагогика йўналишидаги мутахассислар. Хўш, улар нега мактабларга келмаяпти? Илгари олий даргоҳни тугатган ёш мутахассис йўлланма асосида икки йилга мажбурий ишлаш учун юбориларди. Бу анъана қайта йўлга қўйилмас экан, яқин орада мактабларда эркак ўқитувчи "ноёб шахс"га айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Абдунаби БОБОЁРОВ,
Қашқадарё вилояти

Мулоҳаза

ЭРКАК ЎҚИТУВЧИ

Жавоб

ТЕГИШЛИ ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИ

Газетанинг шу йил 20 май сонидида "Ободончиликка ким масъул?" сарлавҳаси остида танқидий мақола чоп этилганди. Унда Жиззах шаҳрида кейинги йилларда бу соҳада эришилган ижобий натижалар қаторида айрим жузъий нуқсонлар қаламга олиниб, ободонлаштириш ишларида корхона ва ташкилотлар ҳамда мутасаддиларнинг ўрни сезилмаётгани таъкидланган. Хусусан, марказдаги "Ўрда" боғи, дам олиш масканлари, айрим кўча ва хиёбонлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганига эътибор қаратилганди. Яқинда ушбу танқидий мақолага мутасадди ташкилотдан жавоб хати келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Ободончиликка ким масъул?" номли танқидий мақола Жиззах шаҳар ҳокимлиги, мутасадди идора раҳбарлари ва маҳалла фуқаро йиғини раислари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам газетанинг вилоят бўйича муҳбири долзарб мавзунини ўз вақтида кўтариб, нуқсонларни бартараф этишга кўмаклашган. Танқиддан тўғри хулоса чиқарилиб, "Ўрда" боғи, шунингдек, барча дам олиш масканлари, хиёбон ва кўчалар тўлиқ тозаланди ҳамда ободонлаштирилди.

Г. ҚАРШИБОВЕВ,
Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари

Эътироф

ЁШЛАР ҲОМИЙЛАРДАН МАМНУН

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш давлатимиз диққат-эътиборида. Бу масалага ҳомий ташкилотлар жиддий эътибор бераётгани янада қувонарли.

Хива тумани азал-азалдан ишлаб чиқариши-ю, тадбиркорлиги, мозийдан сўзловчи осори-атиқалари ҳамда шу заминдан етишиб чиққан шоир, олимлари, Паҳлавон Маҳмуд каби кураги ер кўрмаган полвонлари билан дунёга машхур.

Бугунги кунда ҳам ёшларни чиниқтириш ва полвонларни етиштиришга астойдил киришилган. Болалар спортини ривожлантиришга доир ҳукумат қарори эзгу ишларни рўёбга чиқаришда дастуриламал бўлаётир. Туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси дастур асосида бир қанча саховатли ишларни амалга оширмоқда. Ишлаб топилган маблағ ҳисобидан бунёд этилган "Ёшлар уйи"дан барча мамнун.

Эндиликда бу ерда спортнинг бокс, каратэ, кураш ва бошқа турлари бўйича 400 нафар киши тажрибали мураббийлар раҳнамолигида шуғулланишмоқда. Байрам ва тадбирларда туманлараро спорт мусобақалари ўтказилиб турилиши анъанага айланган. Ўндан ортиқ ёшлар вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда беллашиб, фахрли ўринларни қўлга киритган.

Комилжон ЮСУПОВ,
Хоразм вилояти

Таклиф

ОЛТИНСОЙДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Сурхондарё вилояти нафакат агросаноат мажмуига ихтисослашган, балки иклимининг мўътадиллиги ва бетакрор бойликлари билан ҳам воҳада ўз ўрнига эга. Мустақиллик йилларида қадимий обидалар, осори-атиқалар қайта таъмирланиб, зиёратгоҳ айланди. Ҳозирда ана шу жойларни хорижликлар ҳам келиб кўришмаяпти.

Олтинсой тумани тоғлар орасида жойлашган. Хўжаипок зиёратгоҳи ва олтингууртга тўйинтирилган шифобахш сув маскани шулардан бири. Бу ерда шифобахш мавданларга бой бир неча булоқлар мавжуд. Соҳа мутасаддилари олтингууртли сув билан бўғим, тери ва бошқа касалликларни ҳеч бир дори-дармонсиз даволаш мумкин эканлигини эътироф этишганига анча вақт бўлди. Шундан сўнг имкон даражасида зарур шароитлар яратилди. Дам олиш жойлари, аёллар ва эркаклар учун алоҳида ҳовузлар барпо этилди.

Эндиликда Хоразм, Бухоро вилоятларидан, Тожикистон ва Туркменистондан келган одамлар Хўжаипокни зиёрат қилиб, мавданли сувдан дармондори сифатида фойдаланишмоқда. Шунга қарамай, айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, замонавий ошхона, меҳмонхона йўқ. Теварак-атроф янада ободонлаштирилиши, кўкаламзорлаштирилиши тақозо этади.

Республика касоба уюшмалари Федерацияси таркибида санаторийлар кўп. Агар, Хўжаипок зиёратгоҳи ҳам унинг тасарруфига олиниб, шарт-шароитлар яратилса мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, бу таклиф холос. Хулосани эса мутасаддилар чиқаришадди.

Тўлқин ТЕМИРОВ,
Сафар КОКИЛОВ,
Сурхондарё вилояти

Саҳифани Абдусами
ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади

Кейинги пайтларда Маргилон атласига нафақат ўзбек аёллари, балки хорижлик хонимлар ҳам шайдо бўлмоқда. Буни қарангки, франциялик Жон Француа Коллесе рафикаси Моника билан атлас харид қилиш учун атайлаб Маргилонга келибди.

— Қадимий Самарқанд ва Бухорода бўлиб, халқингиз маданияти билан яқиндан танишдик,— дейди Моника хоним. — Саёҳат бизда катта таассурот қолдирди. Тарихий обидалар ва миллий анъаналарингиз ўзига хос, бетакрор. Айниқса, ҳунармандчиликда атлас яратиш санъатига қойил қолдик.

Хорижликларни лол қолдирган маргилонлик атлас ижодкорлари жамоаларидан бири — “Ёдгорлик” фирмаси ишчи-хизматчиларининг излашлари ўз самарасини бермоқда. Корхона маҳсулотларининг асосий харидорлари хорижликлар ҳисобланади. Яқинда имзоланган шартномаларга кўра, Польша ва Жа-



МАРГИЛОН атласи

нубий Кореяга Маргилон атласини экспорт қилиш режалаштирилди. Корхонада меҳнат қилаётган 250 нафар хотин-қиз 60 турдаги Миллий ҳунармандчилик матолари ишлаб чиқариб, юртимиз довуғини оширмоқда.

Айни кунларда фирма томонидан атласнинг 30 та янги тури яратилди. “Хуррият”, “Оромжон”, “Сайқал”, “Турон”, “Табассум” каби янги атлас навларининг барчаси “Ёдгорлик” фирмаси усталари томонидан қадимий услублар асосида табиий ипақдан тайёрланган.

Ёрқин ва ранг-баранг матоларни Маргилоннинг 2000 йиллигига бағишланган кўргазмада намойиш этиш режалаштирилмоқда.

Суратларда: каштачилик цехи ишчиси Вилоятхон Тешабоева; тўқувчилар Мавжуда Тўхтасинова ва Одина Назарова.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ернинг раҳмати

Болалигимни эсласам, бувимнинг ўғитлари ёдимга тушверади. Ҳар тонг уларнинг меҳр тўла овозларини эшитиб уйғонардим: “Қизим, тура қол, ҳали замон Куёш чиқиб қолади, ҳовлига, кўчага сув сепиб, супуриб ол. Ер юзини тозаласанг, у сени дуо қилади, раҳмат айтади”. “Қизиксиз-а, буви, ер ҳам раҳмат айтадими?”, дердим уйку аралаш.

— Айтади, болам, айтади. Юзимни ёруғ қилганинг кўнглида ғубори қолмасин, мени тозаллаганидек Худо ҳам унинг дилини ғамлардан озод қилсин, дейди. — жавоб берардилар.

Уйлаб қарасам, бувим шу насихатлари орқали Ер, Сув, Куёш — Табиатни севишни, қадрлашни ўргатар эканлар.

Бугунги кунимизда ҳам табиатга бўлган муносабатимиз ана шундай меҳр-ла қориганми? Ҳаммамиз табиатни севамиз, яхши кўра-миз, бироқ уни авайлай ола-мизми?

“Одамлар яхши кўрган нарсаларини вайрон этадилар” деган ҳикмат айнан биз ва бизнинг табиатга бўлган муносабатимиз тўғрисида айтилгандек, назаримда. Сабаби табиатни асрашимиз лозимлигини билганимиз ва уни яхши кўрганимиз ҳолда, унга аёвсиз қийноқлар бераверамиз. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам муносиб жавоб олгани каби, табиатга нисбатан амалга оширилган ҳар қандай ҳаракат ҳам ўзининг муносиб жавобини олавера-

ди. Табиатда ҳаёт занжири бир-бирига шундай чамбарчас боғлиқки, унинг бир халқаси узилгудек бўлса, бошқалари яшашдан тўхтайдилар. Уйламай қилган ҳар қандай хатти-ҳаракатимиз табиат қонунларига салбий таъсир этиб, ўзимизни қурбонга айлантириб қўяверади. Унга бераётган озорларимиз, албатта, ўзимизга қайтажак. Оддийгина мисол: бир туп дарахтни бевақт нобуд этдик, энди унинг биологик жараёндаги ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди, натижада ҳаётимиз учун энг зарур кимёвий унсур — ксилород ишлаб чиқарилишининг камайишига сабабчи бўламиз. Бу эса турли экологик муаммоларнинг шаклланишига олиб келади. Ёхуд бир парча ерга керракли эътибор бермадик. Бунинг оқибатида турли неъматлар тортиқ этгучи Она ер биздан ўз саховатини аяйди. Сабаби уни ўзимиз бу имкониятдан маҳрум этиб қўйдик.

Сўзимиз охирида кулоқларимизга таниш, лекин шууримизга ўрнаша олмаётган сўзларни келтирмоқни жоиз деб билдик: Табиат — Онамиз. У — бизга Яратган томонидан берилган бебаҳо омонат. Уни асраш бурчини ёддан чиқармайлик. Шунда у бизга ўзининг бебаҳо неъматларини раҳмат сифатида тортиқ этаверади.

Дилдора РАҲМОНОВА

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси туғма бош мия фалажи билан ҳасталанган болаларни соғломлаштириш ва тарбиялашга ихтисослашган. Бу ерда даволанаётган 3-15 ёшдаги 250 нафар болага 240 нафар шифокор, педагог, тарбиячи, логопед каби тегишли соҳа мутахассислари хизмат кўрсатяпти.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, юртимиздаги кўплаб шифо масканлари қатори мазкур муассаса моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда шифохона тубдан таъмирлаш ишлари якунланяпти. Беморларга ташхис қўйиш ва даволаш жараёнини янада такомиллаштириш

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

мақсадида барча бўлимлар замонавий тиббий воситалар билан жиҳозланмоқда. Жисмоний тарбия машғулотларини мунтазам ўтказиш учун зарур шартшароит яратилган.

Бу борадаги ишларни амалга оширишда давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги яхши самара бераётган. Жумладан, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан мазкур шифохонада даволанаётган кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган замонавий басейн қуриб фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров улғайиб келаётган авлодни соғлом ва баркамол этиб камолга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Бу борада шифо муассасалари, тегишли давлат, жамоат тузилмалари, таълим масканлари ва халқаро ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик амалга оширилади.

(ЎЗА)

Инсон учун бу дунё — синон. Кимнинг иймони мустаҳкам бўлса, у ҳақ йўлидан тойиб кетмайди. Яратган кимгадир дард, кимгадир ғам бериб имтиҳондан ўтказиб бораверади. Айнан шу пайтда кишининг ҳақиқий қиёфаси, ўзлиги намоян бўлади. Кимдир бу қийинчиликларни сабрбардош билан ўтказса, бошқа киши ношуқурлик қилиб хатога йўл қўяди. Бу хато асоратлари эса нафақат бир киши, балки кўпчиликнинг ҳаётига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳозирги кунда бундай ҳолатларни кўплаб учратмоқдамиз: кимнингдир кўнгли озор чеккан, яқинла-

НАЖОТ ЙЎЛИ

ри билан юзқўрмас бўлиб кетган. Энг ачинарлиси, буни табиий ҳол деб қабул қилади, заррача ташвишга тушмайди. Бундай ҳолатларни кўриб, “Меҳр қани, иймон-инсоф қаерда қолди, оқибатнинг кўзлари нега юмук, наҳот нафс деган бало ҳаммасини маҳв этиб бормоқда?” деган саволлар ўз-ўзидан тугилаверади. Нега арзимас нарсалар дея бир-биримизнинг кўнглимизга озор бериб қўямиз? Ахир бу энг оғир гуноҳлардан-ку! Боболаримиз бежизга кўнгли озор чекканларни шод қилишни улуг савоб деб ҳисоблашмаган:

Муштарий фикри

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Опча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Атрофимиздаги одамларга эътибор билан боқайлик. Арзимас пул, мол-мулк учун “қирпиқ” бўлаётганлар бу ҳаракатлари орқали қабоҳат ботқоғига чуқурроқ ботиб бораётганлари ҳақида ўйлашармикан?! Беш кунлик дунё ҳюю-ҳавасларига учиб, ака-сингиллар, қавму қариндошлар ўртасида пайдо бўлаётган низола-рга ўрганиб қолмаёпмизми?

Виждони уйғоқ, иймони пок инсонлар бу ҳолатлардан азобланиши табиий. Қалб уйғоқлиги яхши, бироқ уни бедор этаётган нарсани юқоридаги каби ҳолатлар бўлмаса яхшироқ эди, назаримизда. Виждонимиз ҳаммиса бедор бўлсин, кўнглимизда пок меҳр, иймон-инсоф боқий бўлсин, ҳеч қачон нафсга қул бўлиб қолишдек жаҳолатга гирифтор бўлиб қолмайлик. Зеро, ушбу ҳикматда айтилганидек, “Кимки нафсининг устидан голиб келса, у наҳот топади”. Ҳаммиса наҳот томон интилайлик.

Ўғил РАҲМОНОВА, меҳнат фахрийси

ХУКУҚИЙ САБОҚЛАР



Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактаб кутубхоначилари, кутубхона ва унинг бўлим мудирилари, барча номдаги ва малакадаги тоифали муассасалар кутубхоначилари учун меҳнат таътили бериш тартиби ва муддатлари қандай белгиланган? Ўрта махсус маълумотга эга мактаб кутубхоначилари ҳам 42 кун меҳнат таътили олишига ҳақлими?

Зайкура РАЖАБОВА

Бир гуруҳ мактаб кутубхоначилари номидан

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 133-134-моддаларига асосан барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади. Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллари белгиланади. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллари бериш назарда тутилиши мумкин.

Мамлакатимизда 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлигидан жуда хурсандман. Шу муносабат билан Президентимиз ва ҳукуватимизнинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Қарори тиббиёт ходимларини хурсанд қилди. Мен 40 йилдан буён врач бўлиб ишлаб келмоқдаман, 1-тоифали терапевтман, 2000 йил январдан буён шошилинч тиббий ёрдам бўлимида терапевт бўлиб ишлайман. Меҳнатга ҳақ тўлаш борасида бухгалтериямизда тушунмовчиликлар бўлмоқда. Мен 1,5 ставка терапияда врач-терапевт бўлиб ишлайман. Меҳнатга ҳақ тўлашда 40 йиллик иш стажим ҳисобга олинмади, шошилинч терапияда ишлаётганлигимга барча стажим қўшиладими ёки ажратилмади? Шу муносабат билан стажим учун 20 % ёки 30 % ҳақ тўланадими? Қўшимча ўриндошлик билан олаётган 0,5 ставка ишим учун қўшимчалар (категория, иш стаж) тўла қўшиладими ёки қайси буйруқ асосида қўшилмайди? Ойлик маошим қанча бўлади?

Ахадулло ЯХШИЕВ
Касби тумани

Меҳнат Кодексининг 153-моддаси талабига мувофиқ, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 01.12.2005-йилда «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-229-сонли қарор ва ушбу қарорни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 21.12.2005-йилда 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур норматив ҳужжатларга мувофиқ тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими тасдиқланиб, «Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида»ги Низом 2006-йил 1-январдан бошлаб амалга киритилди.

Сизнинг ойлик маошингиз юқорида қайд этилган ҳужжатларга асосан иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Мен туман ҳокимининг қарорига асосан ва туман архитекторининг рухсатига кўра хусусий дорихона қурган эдим. Дорихона биноси давлат томонидан бузишга (сносга) қўйилса, менга қандай имтиёзлар берилади? Мен бошқа хоҳлаган жойдан ер сўрашим мумкинми? Ҳукуват менга қандай ёрдам бериши шарт?

Ширин ИБРАГИМОВА,
Кашкадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасида кўрсатилишича, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер Кодексининг 41-моддаси 4-бандига кўра, жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб бериладиган кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар қоплангач олиб қўйилиши мумкин.

Ер Кодексининг 86-моддаси 2-қисмида зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек, фаолияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларнинг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Мен бир неча йиллардан бери корхона кадрлар бўлимида ишлаб келаман. Бир ҳуқуқий муаммонинг ечимини топаолмай кўп танбехлар эшитаман. Шу сабабли менинг бир неча саволимга аниқ жавоб беришингизни илтимос қиламан.

1. Касб касаллиги бўлмасда 1-гуруҳ ногиронлик нафақасидаги ёши 65 да бўлган фуқаро ишлаб келади. Иш ҳақи билан ногиронлик нафақасини 100 фоиз олади. «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 22-моддасида «Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа (иш жойида жароҳатланмаган, касбидан, иш жойидан ногиронликка чиқмаган) кетма-кет 2 ойдан, календар йилда 3 ойдан ошмаган муддатга берилиши» кўрсатилган.

А) Ишлаётган 1-гуруҳ ногиронларига календар йилида неча ойга қадар меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилади?

Б) Қобилиятсизлик бўйича нафақа тайинлашда касаллик варақаси кетма-кет икки ой, уч ойдан ошмаган бўлиши керакми ёки касаллик варақасидаги календар иш кунини ҳисобидан 2 ой ёки 3 ой бўлиши керакми?

Масалан, 1-гуруҳ ногирони 2006 йил 3 январдан то 20 мартга қадар узлуксиз касаллик варақасини топширса, меҳнатга қобилиятсизлик варақаси кетма-кет 2 ой ҳисоблана-

Мен 1997 йилда турмушга чиққанман. Қайнотам 1996 йилда вафот этган. Мен яшаётган ҳовли ва боғ қайнотамнинг номида бўлиб, вафот этганидан кейин ўз-ўзидан ўғай қайнонамнинг номига ҳужжат қилиб юборилган. Турмуш ўртоғим 2004 йил январда касаллик туфайли вафот этган. Эримдан бир ўғил ва бир қиз фарзандим бор. Ҳовли-жойлар қайнонам келмасдан аввал тикланган. Қайнотамдан бир қиз қолган, ҳозир 21 ёшда. Ҳозирги кунда шу ҳовлида яшаймиз. Лекин ўғай қайнонам ҳовлига сенинг ҳақинг йўқ, чиқиб кетишинг мумкин дейди. Шунинг учун уй-жой ва боғдан жой ажратиб олиб, алоҳида ҳўжалик қурмоқчиман. Менга шу ҳақда маслаҳат берсангизлар. Қандай ҳўжжат тайёрласам алоҳида ҳўжалик бошлиғи бўлишим мумкин.

Саодат МАҲКАМОВА

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 23-моддасига кўра, эр-хотиннинг биргаликдаги турмуши даврида орттирган мол-мулкларини, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Қайнона олдин ўлиб кетган бўлса, марҳум қайнотангиз, сизнинг турмуш ўртоғингиз ва қайнотангизнинг мерос очилган ҳисобланади. Бунда Оила Кодексининг 23, 28-моддалари талабига кўра, эрнинг ҳиссаси тенг ярмига очилган деб ҳисобланади ва у Фуқаролик кодексининг 1135-моддаси талабига кўра, қонун бўйича биринчи навбатдаги ворис мерос қолдирувчининг болалари, эри ва ота-онаси ҳисобланади.

Агар ўғай қайнонанинг марҳум қайнотангиз билан қонуний никоҳдан ўтмаган бўлса, бундай ҳолатда у мерос қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлолмайди, уй-жойни ва боғларни уни номига расмийлаштириш мумкин эмас.

Сиз мол-мулкнинг турмуш ўртоғингизга тегишли қисмини олиш учун адвокат билан шартнома тузиб, у орқали тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик судига мурожаат қилишингиз лозим.

Мен бир неча йиллардан бери корхона кадрлар бўлимида ишлаб келаман. Бир ҳуқуқий муаммонинг ечимини топаолмай кўп танбехлар эшитаман. Шу сабабли менинг бир неча саволимга аниқ жавоб беришингизни илтимос қиламан.

1. Касб касаллиги бўлмасда 1-гуруҳ ногиронлик нафақасидаги ёши 65 да бўлган фуқаро ишлаб келади. Иш ҳақи билан ногиронлик нафақасини 100 фоиз олади. «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 22-моддасида «Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа (иш жойида жароҳатланмаган, касбидан, иш жойидан ногиронликка чиқмаган) кетма-кет 2 ойдан, календар йилда 3 ойдан ошмаган муддатга берилиши» кўрсатилган.

А) Ишлаётган 1-гуруҳ ногиронларига календар йилида неча ойга қадар меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилади?

Б) Қобилиятсизлик бўйича нафақа тайинлашда касаллик варақаси кетма-кет икки ой, уч ойдан ошмаган бўлиши керакми ёки касаллик варақасидаги календар иш кунини ҳисобидан 2 ой ёки 3 ой бўлиши керакми?

Масалан, 1-гуруҳ ногирони 2006 йил 3 январдан то 20 мартга қадар узлуксиз касаллик варақасини топширса, меҳнатга қобилиятсизлик варақаси кетма-кет 2 ой ҳисоблана-

Мен 1997 йилда турмушга чиққанман. Қайнотам 1996 йилда вафот этган. Мен яшаётган ҳовли ва боғ қайнотамнинг номида бўлиб, вафот этганидан кейин ўз-ўзидан ўғай қайнонамнинг номига ҳужжат қилиб юборилган. Турмуш ўртоғим 2004 йил январда касаллик туфайли вафот этган. Эримдан бир ўғил ва бир қиз фарзандим бор. Ҳовли-жойлар қайнонам келмасдан аввал тикланган. Қайнотамдан бир қиз қолган, ҳозир 21 ёшда. Ҳозирги кунда шу ҳовлида яшаймиз. Лекин ўғай қайнонам ҳовлига сенинг ҳақинг йўқ, чиқиб кетишинг мумкин дейди. Шунинг учун уй-жой ва боғдан жой ажратиб олиб, алоҳида ҳўжалик қурмоқчиман. Менга шу ҳақда маслаҳат берсангизлар. Қандай ҳўжжат тайёрласам алоҳида ҳўжалик бошлиғи бўлишим мумкин.

Саодат МАҲКАМОВА

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 23-моддасига кўра, эр-хотиннинг биргаликдаги турмуши даврида орттирган мол-мулкларини, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Қайнона олдин ўлиб кетган бўлса, марҳум қайнотангиз, сизнинг турмуш ўртоғингиз ва қайнотангизнинг мерос очилган ҳисобланади. Бунда Оила Кодексининг 23, 28-моддалари талабига кўра, эрнинг ҳиссаси тенг ярмига очилган деб ҳисобланади ва у Фуқаролик кодексининг 1135-моддаси талабига кўра, қонун бўйича биринчи навбатдаги ворис мерос қолдирувчининг болалари, эри ва ота-онаси ҳисобланади.

Агар ўғай қайнонанинг марҳум қайнотангиз билан қонуний никоҳдан ўтмаган бўлса, бундай ҳолатда у мерос қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлолмайди, уй-жойни ва боғларни уни номига расмийлаштириш мумкин эмас.

Сиз мол-мулкнинг турмуш ўртоғингизга тегишли қисмини олиш учун адвокат билан шартнома тузиб, у орқали тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик судига мурожаат қилишингиз лозим.

Бозор яқинидаги гавжум шоҳбекат. Йўловчидан кирakash кўп. Ҳаммаси мижоз чақирин билан овора. "Кела қолинг, ҳозир жўнаймиз", "Келинг, биттагина ўрин қолди!", "Ака, келинг, Навоийгами?!". Шошиб турганим учун ўша биргина ўрин қолган "Нексия" томон юрдим.

Ҳайдовчи машинага ўтиришим билан моторни ўт олдириди. Гала-говурдан қулоқлар тинчиб, нигоҳимдан липлип ўтаётган сўлим манзараларга тикилиб бораяпман. Шу пайт кифтимга секингина бармоқ учида уриб, орқа ўриндикдаги аёллардан бири муружаат қилди:

— Дўхтир ака, соғ-омон-мисиз?

Овоз соҳибасини таниёлмай, ортимга ярим ўгирилиб салом бердим.

— Сизми, бошқами деб иккиландим, кейин қарасам...

Эслай олмасам-да, ҳолаҳвол сўрашдим. Шу пайт ҳайдовчи йигит магнитофон овозини бироз пасайтириб, гапга аралашди.

— Йўк, сиз бировга ўхшатаяпсиз, синглим. Бу киши дўхтир эмас, ёзувчи! Шу десангиз, янгангиз адабиётчида. Бир-иккита китоблари ҳам бор уйимизда.

Аёл ҳижолат тортмаслиги учун вазиятга оидинлик киритишга интиламан:

— Тўғри айтаяптилар. Бир пайтлар дўхтирлик ҳам қилганмиз.

Шундан кейин бир муддат суҳбатимиз узилиб қолди. Уч-тўрт чақирим йўл босгач, ҳалиги аёл ҳорғин оҳангда сўз бошлаб, ўз ҳасратини ёнидаги аёлларга ёза бошлади.

— Ёзувчилар ҳам мисолни ҳаётдан олишади-да, опа. Эҳ-хе, менинг қисматим ёзилса, каттакон дoston бўларди... Айтмоқчи, дўхтир, ўшандаги Ҳалима опани эсларсиз-а? "Зубной" да ишларди-ку?

— Нега эсламайин, албатта!..

— Мен ўша кишига келин бўлиб тушгандим.

— Нега "эдим" деб гапираяпсиз, ҳозир бирга яшама-япсизларми?


— Тақдир экан-да, ака... 7-8 йил аҳил яшадик, Хўжайиним ишламаса-да, анча серуфат киши эди. Учинчи қизим туғилгач, бошим мало-

матдан чиқмай қолди. Ҳар икки гапнинг бирида "Ичинг тўла қиз экан, ҳеч бўлмаса шу гал ўғил туғмадинг!" деб юрди. Ичиб келган пайтлари "Қизларинг бировнинг боласи" деб сўкинадиган, мушт кўтарадиган одат чиқарди. Барига чидаб, тишимни тишимга қўйиб юрдим. Лекин, устимга бошқа бир жувон билан юриб, ўша ҳомиладор жувонга "ўғил туғиб берсанг, сен билан яшайман" деганини эшитгач, ҳаётдан кўнглим совуб кетди. Қизларимнинг кийим-бошини рўмонга тугиб уйдан кетдим. Эҳ-хе, бунгайм йигирма йилча вақт бўлибди.

Аёл бироз жимиб қолди.

— Сиқилманг синглим, тишини берган — ризқини ҳам

Воқеий ҳикоя



СОЯСИ ЙЎК ЧИННОРИМ

беради, — далда берди ҳамроҳлардан бири.

— Бировга юк бўлмайлик деб, ўзимни ишга урдим, — сўзида давом этди аёл. — Иккита идорада фаррошлик қилсам, тун бўйи тиқиш қилиб чиқардим. Катта қизим мен тикан жияк, куроқли дастурхонларни сотиб келарди. Секин-аста кўкрагимизга шамол тега бошлади. Тугиб-туғиштириб пул йигдик. Ҳозир икки хонали уй олганмиз. Яқинда катта қизимни куёвга узатдим.

Шу топда мен ҳам бирор тасалли сўз ахтарардим.

— Тўйга отаси келдими, ишқилиб. Ёки айттирмадингларми?

— Қайда дейсиз? — чуқур хўрсинди аёл. — Ундан бир тешик кулча ҳам умид қилмаганмиз. Лекин, тўй куни қизим кимнинг пойига бош уришини

